

Имомул Ҳарамайннинг овқатланиши ва ухлаши одатий бўлмаган, балки заруратан бўлган



18:35 / 20.09.2020 2338

Ҳофиз ибн Асокирнинг «Табйину кизбил муфтарий» ва Тожуддин Субкийнинг «Тобақоту Шо-феъийятил кубро» китобларида ҳижрий 419 йилда туғилиб, 478 йилда вафот этган усулий, фақиҳ, муҳаққиқ мутакаллим, Имом Ҳаззолийнинг шайхи Абул Маолий Абдулмалик ибн Абдуллоҳ Жувайний Найсобурий шофеъийнинг таржимаи ҳоллари келтирилган: Абдулғофир Форсий «Сиёқу Найсобур» китобида қуйидагиларни айтган: «Имомул Ҳарамайн, фахрул ислом, барча имомлар имоми, шариат билимдони, шарқу ғарбда имомлигига ижмо қилинган, кўзлар унинг мислини кўрмаган ва кўрмайдиган зот бўлган. Унинг сўзлаш асносида шундай деганини эшитганман: «Менга ухлаш ва таомланиш одат

бўлган эмас. Кечаси бўладими, кундузи бўладими, қачон уйқу ёлиб келса, ухлайман. Қайси вақтда бўлса ҳам таомга эҳтиёж сезсам овқатланаман». Ҳа, у зотнинг лаззатлари, хоҳишлари ва кўнгилхушликлари илм музокарасида ва қайси ҳолатда бўлишидан қатъи назар илм ҳосил қилишда бўлган».

«Уламолар наздида вақтнинг қадри» китобидан